

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ПАЗЫЛОВА МЕРУЕРТ ЕРМЕКБАЕВНА

**АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) педагогических наук

Contents of dissertation abstract of doctor (DSc) on pedagogical sciences

Пазылова Меруерт Ермекбаевна

Аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш
фаолиятини ривожлантириш механизмлари..... 3

Пазылова Меруерт Ермекбаевна

Механизмы развития учебно-познавательной деятельности студентов в
процессе изучения наследия предков.....31

Pazilova Meruert Ermekbaevna

Mechanisms for the development of students' learning activities in the process of
studying the heritage of ancestors59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....63

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ПАЗЫЛОВА МЕРУЕРТ ЕРМЕКБАЕВНА

**АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фан доктори диссертацияси мавзуси (DSc) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Ped253 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жамолдинова Одинахон Расуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Рискулова Камола Джуммаевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил "16" 08 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (38 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2022 йил "3" 08 кун тарқатилди.

(2022 йил "3" 08 да 38 рақамли реестр баённомаси).



Б.П. Отемуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К. Курбанизова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т. Утебаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кўп асрлик педагогик меросдан самарали фойдаланган ҳолда таълим-тарбия жараёнида маҳсулдорликни таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳоннинг Буюк Британия, Германия, АҚШ, Франция, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия каби ривожланган давлатларида аجدодлар томонидан яратилган педагогик меросдан фойдаланган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар бир халқнинг бой, интеллектуал маънавий мероси ёш авлодни камол топтиришда ўзига хос ўрин эгаллаши асослаб берилмоқда. Шахсда ўзликни англаш хиссини, ғоявий таҳдидларга қарши иммунитетни ҳосил қилиш учун шарқона таълим-тарбиянинг аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш долзарб аҳамиятга эга.

Дунёда педагогик таълимотларни ўрганиш, унинг шахс ақлий камолотидаги аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаб бериш, талабаларни интеллектуал ривожлантиришда педагогик меросдан унумли фойдаланишнинг назарий-фундаментал асосларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда аجدодларимиз томонидан яратилган педагогик мероснинг шахс билиш фаолиятини ривожлантиришдаги имкониятлари, талабаларни интеллектуал ривожлантиришдаги ўрни, уларнинг билишга қизиқишлари, эҳтиёжлари, мотивларини ривожлантириш имконини бера олиши нуктаи назаридан, мазкур ёндашувларни таълим жараёнига тадбиқ этиш механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар кўлами кенгайишига олиб келмоқда. Ёш авлоднинг билиш фаолиятларини ривожлантиришда аجدодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотлар, қўлланилган методлар, усул ва воситалардан самарали фойдаланиш, мутафаккирларнинг қарашларига янги давр нуктаи назаридан ёндашиш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Бунда талаба шахсининг ўз-ўзини ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим педагогик омил ҳисобланади.

Республикамызда сўнгги йилларда аجدодларимиз томонидан яратилган педагогик меросдан самарали фойдаланиш, унинг шахс имкониятларини кенгайтириш, уни интеллектуал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантиришдаги назарий-амалий йўналишларини тадқиқ этиш, талабаларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда мутафаккир аждодларимиз томонидан қўлланилган дидактик воситалар, усул ва методларидан фойдаланиш тизими шаклланиб бормоқда. “Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш”¹ устувор мақсад қилиб белгиланган. Бу борада аждодларимиз меросининг оламшумул аҳамиятини ўрганиш, ҳадисшунослик илмини ривожлантириш, фиксшунос мутафаккирларнинг ҳуқуқий тарбияга оид қарашларидан педагогик амалиётда кенг фойдаланиш каби жиҳатларни тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони www.Lex.uz.

стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²
Педагогик таълимотлар тарихини тадқиқ қилишга оид илмий изланишлар

²Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи Алеуов У. Становление и развитие педагогической мысли в Каракалпакстане (С древнейших времен до 30-х годов XX века) Автореф. дисс.докт. пед.наук. –Т.: ТГПИ.1995. 53 б.; Аликулов Х. Жалолиддин Давоний. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 20-б.; Жамолдинова О. Соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш. Пед.фан.докт... дисс. -Т.: 2015. -338 б.; Зуннунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. - 237 б.; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. История педагогики и образования. Монография. – Т.: Фан ва технологиялар. 2008. 206 б.; Машарипова Н.Р. Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясининг дидактик воситалари. Педагогика фанлари бўйича фалсафа докторбаевари (PhD). ... дисс. – Самарканд, 2021. – 146 б.; Миртурсунов, З. Ф.Педагогические взгляды Хамзы-Хаким-Заде Ниязи [Text] : автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук /: Ташкент, 1954. - 32 с.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктор. дис.– Тошкент: ТДПУ, 1993. – 389 с.; Нишанова С. Шарқ Ўйғониш даври педагогик тараққиётида баркамол инсон тарбияси. Педагог. фан. Докт. диссертацияси. -Т.: 1998. 288 б.; Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний кадрлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Пед.фан.докт. ...дисс. – Т.: 2000. – 305 б.; Сафарова Н. Хожагон тариқати. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари нашр. 2003. -68 б.; Салаева М.С. Ўзбек педагогикаси тарихини даврлаштиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш. Пед.фан.докт.(DSc) диссертацияси. -Нукус: 2019. 288 б.; Соҳибов А. Миллий педагогика тараққиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 2004. –56 б.;Хайруллаев М. Ўтмиш мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида / Халқ педагогикаси - инсон камолотининг асоси. 1 -китоб. Т.: ЎзПФТИ, 1992. -110 б.;Хасанбоева О., Хасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 246 б.;Куронов М. Ўзбекистон умумтаълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.докт... дисс. -Т.: 1998. -287 б., Ҳасанов С. Хоразм маънавияти даргалари.–Т.:Адолат, 2001. – 388 б.; Кимсанбаева Ш.Б. Аждодларимиз диний меросининг миллий ўзликни англашга таъсири. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс.-Т.: 2019.-173 б; Очилова Б.М. Аждодлар меросига ихлосмандлик шахс маънавий-ахлоқий камолати. Фалсафа фан.докт. ...дисс. – Т.: 2005.-325 б; <https://www.uni-heidelberg>. <https://twitter.com/nyuniversity>, <https://www.educ.kyoto> - <https://en.wikipedia>; <https://ru.wikipedia.org/wiki/> Андреева И.Н., Буторина Т.С., Васильева З.И. История педагогики и образования / Учебное пособие для вузов. Под ред. З.И. Васильевой.-4-е изд., испр.-М.: Академия, 2008.-432 с.; Шамова, Т. И. Активизация учения школьников / - М. : Знание, 1979. - 96 с. - (Новое в жизни, науке, технике. Серия "Педагогика и психология"). - ББК 74.202; А.В.Петровский. Быть личностью /М.:Педагогика,1990.-110с.Гусинский

жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари, жумладан, Heidelberg University of Education (Германия), New York University (АҚШ), Korea National University of Education, Seoul National University, Puchong University, Chonbuk National University (Жанубий Корея), Мяги педагогика университети, Kyoto University of Education (Япония), Белгород давлат университети, Россия Таълим академияси (Россия)да амалга оширилмоқда.

Жаҳонда педагогик таълимотлар тарихи йўналишида амалга оширилган тадқиқотларда, жумладан қуйидаги натижаларга эришилган: педагогик фикрларнинг қиёсий таҳлили асосида тарихий ва замонавий тенденциялар уйғунлаштирилган (Heidelberg University of Education); таълимнинг ривожланиш босқичлари ва асосий мезонлари аниқланган (New York University); этнопедагогик, дидактик кадриятларни таълим мазмунига сингдиришга оид замонавий педагогик ёндашувлар аниқланган (Kyoto University of Education); педагогик фикрлар тараққиётининг аксиологик йўналишлари белгилаб берилган (Korea National University of Education); этнопедагогиканинг ўзига хос хусусиятлари, педагогика фанининг ривожланиш тенденциялари, этнопедагогик хусусиятлари, таълим тизимини такомиллаштиришга оид ёндашувлар очиб берилган (Белгород давлат университети).

Жаҳонда педагогик таълимотлар тарихини ўрганиш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: умумжаҳон тарихий педагогик жараённинг ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш; энг қадимда яратилган педагогик ғояларнинг педагогик мазмунини очиб бериш ва устувор йўналишларини аниқлаш; педагогик ғояларнинг тараққиёт тенденцияларини аниқлаш ва уларнинг шахс интеллектуал тараққиётидаги ўрнини белгилаш; аждодларимиз педагогик таълимотларини ўрганиш асосида талабаларда ғоявий дунёқарашни ривожлантириш; жамиятда маънавий муҳитни соғломлаш-тиришда тарихий тажрибалардан самарали фойдаланиш; ҳуқуқий тарбиянинг концептуал асосларини ишлаб чиқишда мутафаккирлар меросига таяниш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда аждодларимиз педагогик меросини ўрганишга оид тадқиқотлар У.Алеуов, Х.Аликулов, О.Р.Жамолдинова, А.Зуннуов, Х.И.Ибрагимов, Ш.Б.Кимсанбаева, М.Қуроно, Н.Р.Машарипова, З.Ф.Миртурсунов, О.М.Мусурмонова, С.Н.Нишонова, Н.Ортиқов, Б.М.Очилова, С.Г.Сафарова, М.С.Салаева, А.Р.Соҳибов, М.Х.Хайруллаев, К.Х.Хашимов, Ҳ.Ҳ.Ҳамидов, О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, С.Ҳасановлар томонидан амалга оширилган. Ушбу илмий изланишларда аждодларимиз томонидан яратилган педагогик мероснинг ёшлар маънавий маданиятини шакллантиришдаги ўрни тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида И.Н.Андреева, Т.С.Буторина, З.И.Васильева, Э.Н.Гусинский, А.Н.Джуринский,

Э.Н. Введение в философию образования. -М.: Логос, 2000. -204с.; Джуринский А.Н. Педагогика: история педагогических идей / Учебное пособие. -М.: Пед. общество России, 2000.-352 с.; Коджаспирова Г.М. История образования и педагогической мысли: Таблицы, схемы, опорные конспекты. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. -М.: ВЛАДОС – Пресс. 2003. – 224 с.; Троян В.Г. История образования и педагогической мысли / Учебное пособие для вузов. - М.: Владос-Пресс, 2006. - 351 с.; Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси (М.Ҳасан тарж.) – Т.: Чўлпон, 1998. – 80 б.; Йилмаз К. Тасаввуф ва тариқатлар. Истанбул. 1997. -20—22 б.; Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского Азы Ставиской. — М.: Наука; Главная редакция восточной литературы, 1989. — 328 с.

Г.М.Коджаспирова, А.В.Петровский, В.Г.Тросян, Т.И.Шамовалар педагогик таълим жараёнида мутафаккирлар асарларидан фойдаланиш муаммоларига бағишланган илмий изланишларни амалга оширганлар.

Педагогик таълимотларни ўрганиш соҳасида хорижлик олимлар М.А.Жўшон, К.Йилмаз, Дж.С.Трименгэм изланишлар олиб борганлар.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда аждоқларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш механизмлари муаммоси алоҳида долзарбликка эгаллигини таъкидлаш лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Узлуксиз таълим тизимида мустақил фикрловчи эркин шахсни тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2015–2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади аждоқларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аждоқларимиз меросини ўрганиш асосида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик имкониятларини таҳлил қилиш;

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда аждоқларимиз меросидан фойдаланишнинг дидактик имкониятларини аниқлаш;

“Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси”, “Андрагогика” фанларини ўқитиш орқали аждоқларимизнинг педагогик таълимотлари билан замонавий ёндашувларни интеграциялаш асосида талабаларда ўқув-билиш фаолиятининг ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар ва кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;

талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда педагогик туркум фанларнинг мазмунини такомиллаштириш ва шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларининг имкониятларини баҳолаш;

шахснинг билиш фаолиятини ривожлантиришга оид аждоқларимиз педагогик қарашларининг ривожланиш динамикаси, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти моделини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аждоқларимиз меросини ўрганиш асосида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, унда Нукус давлат педагогика институти (261 нафар), Урганч давлат университети (276 нафар) ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтларининг (394 нафар) талабалари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини аждоқларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг самарали шакл, восита, усул, методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий таҳлил, диагностик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил

баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов, натижаларни математик статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари фаолликнинг ўқув топшириқларини бажаришга тайёргарлик, мустақил фаолиятга кўрсатишга интилиш, топшириқларни бажаришга онгли ёндашиш, ўқиш ва ўрганишнинг тизимли характер касб этиши, ўзини шахсий даражасини кўра олишга интилиши каби компонентлари билан ўқув фаоллигининг ички ва ташқи йўналишлардаги интеграциясини реал таълимий шароитларда қўллаш асосида аниқлаштирилган;

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ўқитишнинг объектив ва субъектив методлари ҳамда принципларини аждоқларимиз асарларида шахсни билишга ундовчи ғоялар билан семантик алоқасини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга доир босқичлар асосида билиш фаолияти ва билиш қобилияти билан боғлиқ хиссий-иродавий, рефлексив-баҳоловчи компетенцияларни шакллантириш имконини берувчи таърифлаш, таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш ва хулоса чиқаришга мослаштирилган педагогик операциялар тизими ишлаб чиқилган;

аждоқларимиз мероси тавсифи асосидаги тарихий ва замонавий тенденцияларни уйғунлаштирган ҳолда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти педагогик туркум фанларни ўқитишда талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини белгилашга хизмат қилувчи мустақил ижодий фаолият жараёнларини ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

кредит-модуль тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда аждоқларимиз меросини ўрганишга доир мустақил ишларни ташкил этиш ва уларни баҳолаш механизмлари, билимларни когнитив қабул қилиш, рефлексиялаш, рухий имкониятларини кенгайтириш, ёндошувларни имитациялаш фаолияти тизимлилиқ, изчиллик ғояларини генерациялаш, ақлий фаолликка ундаш тамойилларига устуворлик бериш асосида вақт меъёрлари доирасида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

аждоқларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг фалсафий, назарий асослари, назарий билишнинг шакллари, аниқлик, моделлаштириш, абстракциялаш, формаллик назариялари аниқланиб, педагогик, психологик ёндашувлар тизимлаштирилган;

“Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси”, “Андрогагика” фанларини ўқитишда, шунингдек, мустақил иш топшириқлари ва методик ишланмаларида аждоқларимиз меросига таяниб талабаларга тақдим этилган дидактик материаллар, ишланмалар, ҳадислар, ҳикматлар тартибга солинган ҳамда кредит-модуль тизимида талабалар мустақил ишини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг дарс, мустақил иш ва дарсдан ташқари жараёнларда аждоқларимиз томонидан яратилган шахснинг ўқув-билиш

фаолиятини ривожлантиришга оид меросидан педагогик амалиётда “Тарбия” фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган;

“Педагогика назарияси ва тарихи”, “Андрогогика” номли дарсликлар, “Ajdodlarimiz merosini o'rganish jarayonida talabalarning o'quv-bilish faoliyatini rivojlantirish mexanizmlari” монографияси ҳамда ушбу қўлланмалар асосида педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун ахборот-методик таъминот яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот методологиясининг шахс билиш фаолиятига оид концепцияларга асосланганлиги, тадқиқ этилаётган муаммога тарихий-фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашувнинг устуворлиги, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган олий таълим муассасалари сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аждодларимизнинг педагогик таълимотлари воситасида талабаларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилганлиги, шахснинг билиш имкониятларини кенгайтириш, баҳолаш методикаси, мезон кўрсаткичлари, индикаторлари, фаолликни ривожлантириш, шахснинг яширин имкониятларини руёбга чиқариш, рефлексив фаолиятга ва ғояларни тезкор сафарбар этишга тайёрлашга оид ўзига хос хусусиятлари ва ёндашувларнинг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аждодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотлар, таълим-тарбия жараёнида қўлланилган дидактик воситалар, усул ва методлар, шахснинг билиш имкониятларини кенгайтириш жараёнига нисбатан педагогик ёндашувларнинг аниқланганлиги ва амалдаги таълим жараёни мазкур воситалар, методлар ва педагогик шакллар билан бойитилганлиги, “Педагогика назарияси ва тарихи” ва “Халқ педагогикаси”, “Андрогогика” фанларининг мазмуни мутафаккир аждодларимиз томонидан яратилган педагогик кадриятлар, ёндашувлар ва ғоялар ёрдамида такомиллаштирилганлиги, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари уларда билиш қизиқишлари, эҳтиёжлари, мотивларини ривожлантириш асосида фаоллашганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш механизмларига оид тадқиқот натижалари асосида:

талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари фаолликнинг компонентлари билан ўқув фаоллигининг ички ва ташқи йўналишлардаги интеграциясини реал таълимий шароитларда қўллаш асосида аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Педагогика назарияси ва тарихи” дарслигини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 106-сон буйруғи, 106-130-рақамли гувоҳномаси). Натижада талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини

ривожлантиришнинг назарий асослари таълим олувчиларнинг билишга доир қизиқишлари, мотивлари ва эҳтиёжларини ривожлантиришга асосланган ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ўқитишнинг объектив ва субъектив методлари (ишонтириш, тушунтириш, маълумотлар билан қуроллантириш) билан принциплари (муаммолилик, амалий топшириқларни мувофиқлаштириш, тадқиқотлар ўтказиш, мустақил таълим олиш, биргаликда ўрганиш, индивидуал ўқитиш, муваффақиятга ундаш) аждоқларимиз асарларида шахсни билишга ундовчи асосий ғоялар билан семантик алоқасини таъминлаш орқали аниқлаштиришга оид амалий таклиф ва тавсияларидан “Андрогогика” дарслигини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 106-сон буйруғи, 106-131-рақамли гувоҳномаси). Натижада талабаларда билимларни когнитив қабул қилиш, рефлексиялаш, рухий имкониятларини кенгайтириш, ёндашувларни имитациялаш фаолиятини ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

кредит-модуль тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда аждоқларимиз меросини ўрганишга доир мустақил ишларни ташкил этиш ва уларни баҳолаш механизмлари билимларни когнитив қабул қилиш, рефлексиялаш, рухий имкониятларини кенгайтириш, ёндошувларни имитациялаш фаолияти тизимлилик, изчиллик ғояларини генерациялаш, ақлий фаолликка ундаш тамойилларига устуворлик бериш асосида вақт меъёрлари доирасида такомиллаштиришга оид таклифлардан ФЗ-ХТ-1-55237 рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модефикациялаш ва унификациялаш параметрлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳасини бажариш доирасида яратилган “Педагогика Энциклопедия”нинг мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 15 декабрдаги 01/15-09/187-сон маълумотномаси). Натижада “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси”, “Андрогогика” фанларини ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга доир босқичлар асосида билиш фаолияти ва билиш қобилияти билан боғлиқ ҳиссий-иродавий, рефлексив-баҳоловчи компетенцияларни шакллантириш имконини берувчи таърифлаш, таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш ва хулоса чиқаришга мослаштирилган педагогик операциялар тизими ишлаб чиқишга оид таклиф ва тавсиялардан ФЗ-2016-090911822 рақамли “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2016-2019 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 15 декабрдаги 01/15-09/187-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг қизиқишлари, мотивлари, ахлоқий сифатларини, маданий ва маънавий дунёқараш ва эҳтиёжларини ривожлантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, шундан, 2 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларининг чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан, 9 таси республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 207 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар, диссертация тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш методологияси, алломалар мероси воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш йўналишлари, аждодларимиз педагогик таълимотларида шахс билиш фаолиятларини ривожлантиришнинг назарий асослари таҳлили ёритилган.

Педагогика Энциклопедиясида **“Билиш – таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларга тақдим этилган ўқув материалининг ўзлаштирилганлик даражаси; борлиқ ва унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, ўзлаштириш, эгаллаш шакли”**³ тарзида изоҳланган.

Ёш авлод билиш фаолияти орқали маънавий-маданий, интеллектуал бойликлар, аждодлар мероси ва халқнинг кўп асрлик ижтимоий тажрибаси ҳамда кадриятларини эгаллайди. Инсон ўзи ўзлаштирилган билимлар ва ижтимоий тажрибани тушунчалар, қонунлар, принциплар, назариялар сифатида талқин қилади ва кейинги авлодларга узатади.

Билиш жараёнида таълим олувчилар кўпроқ янги билимларни ўзлаштириш ва уларни ўз фаолиятларида фаол қўллаш билан шуғулланадилар.

Дидактик нуқтаи назардан ёндашганда, инсон билиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган билимларни ўзлаштиради ва амалий фаолиятда қўллаш кўникмасини эгаллайди. Бундай ёндашув шарқ алломалари фаолиятида устувор ўрин эгаллаган.

³ Педагогика Энциклопедия. I жилд / тузувчилар: жамоа. // Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – Б.139-140

Марказий Осиёда яшаган буюк алломалар Абу Райхон Беруний, ибн Сино, Абу Наср Форобийлар ўз асарларида шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун билиш методларига алоҳида эътибор қаратганлар. Алломалар билиш методларини эмпирик ва ақлий билиш методларига ажратганлар. Эмпирик билиш методлари сирасига кузатиш, тажриба, тавсифлаш, ўлчаш кабиларни киритганлар. Назарий билиш методлари эса абстракциялаш, формаллаштириш, моделлаштириш кабиларни ўз ичига олади. Ҳар бир методнинг операционал, қадриятли жиҳатлари мавжудлигини эътироф этганлар.

Шайх Азизиддин Насафийнинг “Комил инсон”⁴ асарида билиш фаолияти ривожланган шахс камолотининг асосий белгилари сифатида икки нарса асос қилиб олинган. Биринчиси – ахлоқ, иккинчиси – ўзини-ўзи англаш. Боязид Тайфур бин Исо Бистомий тасаввуф тарихида интуитив билиш назариясининг асосчиси ҳисобланса, Абулқосим Жунайд ал Муҳаммад Қаворирий ал-Бағдодий илм ва ақлга суянадиган рационал билиш назариясини илмий жиҳатдан асослаган.

Аждодларимиз маънавий меросининг шахс камолотидаги ўрни педагог олимлар томонидан тадқиқ этилган ва илмий хулосалар берилган. Жумладан, О.Мусурманованинг фикрича, ўқувчилар билиш фаолиятини шакллантиришнинг методологияси маънавий онг ва тафаккурни амалга ошириш ва ривожлантириш жараёнини таъминловчи асосий хусусият бўлиб, жамиятда инсонпарварлик, адолат, демократияни вужудга келтириш учун ўтмишнинг демократик тажрибасини тарихийлик, ҳаққонийлик нуқтаи назаридан кўра олиш, ўз-ўзини англаш ва жаҳон ижтимоий, маданий тараққиёти, умуминсоний, миллий, маданий қадриятларни уйғун ҳолда ўзлаштириш маҳоратини шакллантиришга хизмат қилмоғи лозим. Л.Х.Бектурсынова олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ижтимоий дезадаптациянинг намоён бўлиши тавсифи ва коррекциясини аниқлаштириб, ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш асосида ўқув фаолиятини ташкил этиш шакл ва методларининг модификациялашга ҳаракат қилган. Г.Н.Нажмадинова ўз илмий тадқиқот ишида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини “субъект-объект” муносабатларида намоён бўладиган, зиддиятларга бой, узлуксиз ривожланадиган, шаклланиш босқичлари мавжуд ҳодиса сифатида қарайди.

Педагогик-психологик йўналишдаги тадқиқотларда шахс фаоллигига икки нуқтаи назардан ёндашилади: инсон шахсий ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари ва фаолиятининг динамик характерга эгаллигини ифодаловчи ҳодиса сифатида; инсоннинг ўзаро ички алоқаларга киришиш, моддий-маънавий бойликларни ўзлаштириш орқали ижодкорлик, мулоқотга киришиш лаёқатини ифодаловчи кўрсаткичи сифатида.

Ўқув-билиш фаолиятларининг натижаси билим, кўникма, малакалар ҳамда фикрий фаолият усулларини эгаллашдан иборат. Бунинг натижасида талабаларда билимларни ўзлаштиришга нисбатан мотивация ҳосил бўлади. Мотивациянинг асосий жиҳати талабаларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришдан иборат


⁴ Насафий Азизиддин. Хожа Аҳмад Яссавий: биографик лавҳалар. – Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат, 1993. – 166

бўлиб, фаолликнинг ижобий натижа бериши юқори даражадаги ҳиссиётларнинг ифодаланишига боғлиқ.

Ўқув-билиш жараёнига нисбатан мойилликнинг ривожланиши ҳамда ўқув жараёни мантиғи талабалар фаоллигининг қуйидаги даражаларининг ўзаро мувофиқ келишини таъминлайди: фаолликнинг ифодаланиши талабаларнинг тушунишлари, эслаб қолишлари, тadbик этишлари, намуна асосида билимларни қўллаш усулларини ўзлаштиришлари; ўрганилаётган билимларнинг моҳиятини англашлари, уларни интерпретациялашлари, улар ўртасида алоқадорлик ўрната олишлари, ўзгарувчан шароитларда билимларни қўллай олишлари; назарий фикрлашга интилиш, муаммоларнинг ечимларини мустақил излаш, билиш қизиқишларининг жадал тарзда намоён бўлишида ўз ифодасини топади.

Фаоллик талабанинг ўқув фани, ўқув материаллари ва ўз фаолиятига бўлган муносабатини ифодалайди. Фаоллик қуйидаги таркибий қисмлардан иборатдир: ўқув топшириқларини бажаришга тайёрлик; мустақил фаолият кўрсатишга интилиш; топшириқларни бажаришга онгли ёндашиш; ўқиш ва ўрганишнинг тизимли характер касб этиши; ўзининг шахсий даражасини кўра олишга интилиш кабилар.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда муайян вазиятларни яратиш алоҳида аҳамиятга эга: (1 расм)



1-расм. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи вазиятлар

Талабаларнинг жамоавий ва яқка тартибдаги диққатлари қуйидаги усулларни фаоллаштиришга хизмат қилади: эвристик суҳбатларни ташкил этиш методи; турли-туман дидактик воситалардан фойдаланиш методи, жумладан, кўргазмали-образли ёки мантиқий чизмалар, режа-конспектлар; талабаларнинг диққатини фаоллаштирувчи мустақил бажаришга мўлжалланган

топшириқлар; ўз ҳаракатлари натижаларини намунадаги шакл билан қиёслаш; дарснинг турли босқичларида ўз фаолиятларини назорат қилиш усуллари; ўз ғояларини ҳимоя қилиш; жавоблар ёки мустақил бажарилган ишларни тақризлаш; ўзи ва гуруҳдошларининг ўқув фаолиятлари натижаларини текшириш.

Фаоллаштирувчи методлар ва ноанъанавий дидактик воситалар ёрдамида амалга ошириладиган табақалаштирилган ўқитиш жараёни билимларнинг манбаи, кўникма, малака ва компетенцияларнинг шаклланишига асос бўла олади. Бунинг учун қуйидагиларни қўллаш мумкин: дарсда ўтилган мавзунинг турли топшириқлар ёрдамида мустаҳкамлаш; дарсда ўрганилган материалларни табақалаштириш асосида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантирувчи вазиятлар; талабаларнинг гуруҳдошлари томонидан қайтарилган жавобларни баҳолашлари; ёзма тарзда тезкор баҳоланувчи топшириқларни бажарилиши; ўзини вазиятлари ёрдамида талабаларнинг ижодий лаёқатларини ривожлантирувчи саволлар ва топшириқлар шулар жумласидандир.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга муайян принципларга таяниш орқали эришилади. Бундай принциплар сирасига муаммолик принципи, ўқув-билиш фаолияти билан амалий топшириқларни мувофиқлаштириш принципи, биргаликда ўқиб ўрганиш принципи, ўрганилаётган муаммолар доирасида тадқиқотлар ўтказиш принципи, индивидуал ўқитиш принципи, мустақил таълим олиш принципи, муваффақиятга ундаш принципи кабиларни киритиш мумкин. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш принциплари ва методлари билан бир қаторда омиллари ҳам мавжуд. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантирувчи омиллар сифатида қизиқишлар, ўқув-билиш фаолиятининг ижодий ҳарактер касб этиши, яратувчанлик, ҳиссий таъсир кабиларни кўрсатиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Аждодларимиз мероси асосида шахснинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда аждодларимиз мероси асосида шахснинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга оид концепциялар, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда аждодларимизнинг педагогик таълимотлари билан замонавий ёндашувларни интеграциялаш имкониятлари илмий-педагогик таҳлил қилинган.

Илк уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти шахс камолотини таъминлашга оид шарқона таълимотнинг вужудга келганлигидадир. Шахснинг билиш фаолияти ва уни ривожлантириш назариясига алоҳида ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири Абу Наср Форобий ўз дидактик қарашларида шахс фазилатларини икки гуруҳга ажратиб кўрсатган. Улар туғма ва инсоннинг ҳаётий фаолияти давомида шаклландиган фазилатларидир. Форобийнинг фикрича, туғма фазилатларга инсоннинг ўта ўткир зеҳнлилиги, бирор нарсани билишга ўта қобилиятлилиги киради. Асосий ахлоқий фазилатларни шахс ҳаётий фаолияти давомида эгаллайди. Инсонларнинг билиш лаёқатларини

таълим-тарбия жараёнида кенгайтириб, уларни фаоллаштиришга эришиш лозим.

Замахшарий ўзининг “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоъиз вал-хутаб” (“Ваъзлар ва хутбалар баёнида олтин шодалар”) ва “Навобиг ул-калим”(“Нозик иборалар”) каби асарларида инсон камолотининг асосини ақл-заковат ва моддий борлиқ воқеа-ходисаларини билиш ташкил этишини кўрсатган. Унинг фикрича, “Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи еру кўк фақат ўз теграси кутблари атрофида айланур”. Инсоннинг юксалишида ақл-идрок ва илмнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаган ҳолда, “Ёки илмий бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан)”⁵, - дея таъкидлаган.

Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий” асарида ақлий ва ахлоқий тарбия масалалари ўзаро мутаносибликда талқин қилинган. Унинг таъбирича, инсон жамиятда, кишилар орасида, улар билан муносабатда ривожланади, деган фикрни илгари сурган. Давонийнинг таъкидлашича, ақлли инсон жамиятнинг барча соҳасида фаол қатнашади. Унинг ақлий билишни устун қўйиши илм-фан, маърифат, таълим-тарбия ва ахлоқ масалаларини талқин этишида яққол намоён бўлади ва “Илм кишиларни ёмон одатлардан, разил ишлардан сақлайди”, илм эгаллаш билан шуғулланиш доимий бўлиши керак⁶, – деб ҳисоблайди.

Хоразмий ўзининг билиш назариясига оид қарашларида моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги объектив муносабатлар, табиий жараёнларни билиш, сезгидан мантиқий тафаккур орқали фарқ қилишини таъкидлаб, “...сезги орқали билиш, бу қисман билиш бўлса, мантиқий баён, ақлий билиш эса ҳақиқий билишнинг муҳим томонини намоён этади”⁷, - деб ҳисоблаган. Ал-Хоразмийнинг назарида инсон ва унинг сезгиси, ақл-идроки моддий олам ривожланишининг олий маҳсули бўлиб, камолотга етишишининг энг муҳим омиллари илм-маърифатли ва юксак ахлоқий меъёрларни эгаллашдир.

Ажиниёз Қосыбай ўғлининг “Болурмы”, “Ёнди”, “Демишлер” ва “Қаш-қаш” шеърларида илм-фанни таснифлаб, асосан, 3 турга ажратиб кўрсатади. Худони танишга ихтисослашган “қол” илми, реал воқеликни ўрганадиган “қол” илми деб тақсимлайди. Муаллиф “қол” (реал) илмини муҳим санаб “Дунё илмидин (қол) бахитнинг тахти”(“Демишлер”) эканлигини келтириб ўтади. “Етмиш пардаси бор баланд османни, Дунё илимидин (қол) билган демишлар” – дея илм-фаннинг жамият ва халқ учун аҳамияти катталигини тушунтириб ўтишга ҳаракат қилган. Қорақалпоқ маърифатпарвар олими Сейфулғабит Мажитов “Элипбе”, “Оқыў китабы”, “Егеделер саўаты” каби асарларида ёшларни ўқитиш, билим олиш масалаларини ёритиб берган.⁸

Буюк аждодларимиз томонидан шахсни билишга ундовчи устувор ғоялар ва ёндашувлар илгари сурилган (1 жадвал).

⁵ Махмуд Замахшарий, Т., 1971; Уватов У., Нозик иборалар, Т., 1992

⁶ Аликулов Х. Жалолиддин Давоний. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 20-бет.

⁷ Ал-Хоразмий Мухаммад ибн Мусо. Танланган асарлар «Ал набр ва ал мукобала хисоби хақида қисқача китоб», Т.73-77 б.

⁸ Алеуов У. Становление и развитие педагогической мысли в Каракалпакстане (С древнейших времен до 30-х годов XX века) Автореф. дисс. докт. пед. наук. –Т.: ТГПИ.1995. 53 б.

**Аждодларимиз асарларида шахсни билишга ундовчи асосий ғоялар
устуворлиги**

Аждодларимиз номлари	Аждодларимизнинг шахсни билишга ундовчи устувор ғоялари
Зардуштийлик дини	“Эзгу фикр”, “эзгу сўз”, “эзгу амал” инсоннинг билиш ҳаракатларини фаоллаштиришга ундовчи асосий шиор сифатида намоён бўлади.
Абдулқосим Маҳмуд аз-Замахшарий	Шахсда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш орқали билиш фаолиятини ривожлантиришга устуворлик берилган.
Боязид Тайфур бин Исо Бистомий	Тасаввуф тарихида интуитив билиш назариясига асос солинган.
Азизиддин Насафий	“Инсони комил” номли рисолаларида шахснинг билиш фаолиятини ривожлантириш орқали уни комилликка ундаш ғоясини илгари сурган.
Аҳмад Яссавий	Аҳмад Яссавий шахсни маърифат ва орифликка ундаш устувор ўринга эга
Абу Наср Форобий	Таълим-тарбия жараёнида уларнинг билиш имконияти кенгайтирилади деган ғояни илгари суради. Инсонларнинг билиш лаёқатларини таълим-тарбия жараёнида кенгайтириб, уларни фаоллаштиришга эришиш лозим дея уқтиради
Абу Райхон Беруний	Беруний шахсни ақлий жиҳатдан ривожлантириш орқали унинг билиш имкониятларини кенгайтириш ва фаоллаштириш мумкинлигига эътибор қаратган.
Имом ал-Бухорий	Инсоннинг билиш имкониятларини кенгайтириш орқали уни камол топтириш ғоясини илгари сурган
Ат-Термизий	Ақл-заковат ўзлаштира оладиган энг олий билим – маърифат ёки ҳикматдир, бу – инсон қалбини ёритувчи «илоҳий нур»дир деган ғояни илгари суради
Амир Темур	Амир Темур инсоннинг ақлий ҳаракатларини фаоллаштиришга оид қимматли фикрларини илгари сурган.
Алишер Навоий	Инсонни билим олиш, доимий фаол ҳаракатда бўлишга ундаш ғояси устувор ўрин эгаллаган.
Жалолиддин Давоний	Жалолиддин Давоний таъбирича, ақлий ва ахлоқий тарбия масалалари ўзаро мутаносибликда талқин қилинган инсон жамиятда, кишилар орасида, улар билан муносабатда ривожланади, деган фикрни илгари сурган.
Захириддин Мухаммад Бобур	Захириддин Мухаммад Бобур халқни маърифатли қилиш, илмни жамият равнақи йўлида хизмат қилдиришга интилиш ғоясини илгари сурган.

Диссертациянинг учинчи боби “Аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш механизмлари” деб номланган бўлиб, мазкур бобда аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришнинг самарали механизмлари таҳлил қилинган. Талабаларнинг ўқув-билиш компетенцияларини ривожлантиришда мустақил ишларни ташкил этишга инновацион


ёндашувлар, аждодларимиз меросини ўрганиш асосида талабаларнинг аналитик-таҳлилий компетенциясини ривожлантириш, шунингдек, Янги Ренессанс педагогикаси талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг методологик асоси сифатида ёритиб берилган.

Биринчи Ренессанс Самонийлар даврининг ўзига хос жиҳати, ўқув жараёнини ташкил этиш ва шахснинг билиш имкониятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган педагогик воситалар ва методларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги ва амалиётда қўллаш йўлларининг кўрсатилганлигидир. Шунингдек, мазкур даврда таълим муассасалари мактаб ва мадрасалар ташкил этилиб, уларда шахснинг билиш имкониятларини кенгайтиришда “тадрис” усулидан кенг фойдаланилган.

Иккинчи Ренессанс даврида илм-фаннинг юксак намоёндалари ўзининг илмий-ижодий фаолиятини амалга ошириб, ёш-авлодни дунёни билишга, илм-фан сирларини ўрганишга ундаган. Таълим оловчиларнинг билиш ҳаракатларини фаоллаштиришнинг назарий асосларини яратишларида этнопедагогик ёндашувлар ҳам муайян даражада асос яратган. Бу даврда шахсга таълим бериш, унинг билиш имкониятларини кенгайтириш, ўқув фаолиятининг самарали амалга ошириш масаласи мутаффақирларнинг эътиборини ўзига жалб қилган.

Учинчи Ренессанс пойдеворининг яратилиши ва унинг бунёдкорларини тарбиялашда миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари назарияга асосланилади. Илм-маърифат- бу янги уйғониш даврининг пойдевори, унинг асосида эса шу юрт фуқораларининг миллий тафаккури, миллий ғоя, эртанги кунга, тараққиётга бўлган ишончи бўлиб, қайсики, жамиятдаги барқарорликни таъминлаб берувчи асосий устувор омиллардан биридир.

Педагог-психологлар М.Қуранов ва Ҳ.Жаббаровлар томонидан учинчи Ренессанс даврининг ғоявий, мафкуравий, педагогик, психологик жиҳатларини таҳлил қилган ҳолда



формуласи ишлаб чиқилди.

Учинчи Ренессанс бунёдкорларини тарбиялаш жараёнига бўлажак педагогларни тайёрлашда олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогика фанларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотларимиз давомида аждодларимиз меросини ўрганиш орқали талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда мустақил ишларнинг дидактик имкониятлари аниқланди. Кредит-модуль тизимида “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси” ва “Андрагогика” фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ҳамда электрон таълим ресурслари, мультимедиа ва ўқув фильмлари, web-квест(топширик)ларнинг самарадорлиги тажриба-синовдан ўтказилди.

Талабаларнинг мустақил ишлари юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланган фаолият. Мустақил ишда талабалар мақсад ва вазифаларни онгли равишда кўяди ва уларни амалга оширишини режалаштиради, бажариш усуллари танлайди, олдига қуйган мақсадлари билан боғлиқликда уларни назорат қилади ва натижаларини баҳолайди. Мустақилишлар машқ бажариш, иншо ёзиш, графиклар ҳосил қилиш, белгиланган вазифаларни ҳал қилиш, жадваллар, савол-жавобга тайёрланиш шаклларида ташкил этилади. Мустақилишни ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали ахборот излаш, web-браузер, маълумотлар базасидан фойдаланиш, автоматлаштирилган кутубхона тизимидан фойдаланиш кўникмалари шаклланади. Ахборот излаш ва унга ишлов бериш орқали талабалар мавзу билан боғлиқ бўлган сайтларга тақризлар ёзиш, рефератларга шарҳ ёзиш билан шуғулланиш, ўрганилаётган мавзуга боғлиқ бўлган рефератларни топиш ва уларга фикр билдириш, уларни баҳолаш, ўзлари танлаган мавзуларнинг айрим қисмларини ёзиш, мавзу рўйхатини тузиш, мавзуга оид маърузалар тайёрлаш, мунозаралар ўтказиш, амалий машғулотлар учун лавҳалар тайёрлаш, тармоқдан топилган ёки ўқитувчилар тайёрлаган веб-квестда ишлаш кўникмалари шакллантирилади.

Web-квест(топширик)лар мавзуга доир адабиётлар руйхатини чоп этиш, талабалар томонидан бажарилган реферат ва тақризларни сайтга жойлаштириш, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишларга доир мавзули веб-саҳифалар яратиш, мавзу бўйича ишлаш учун веб-квестлар яратиш курсга доир сайтларга жойлаштириш каби тарзида берилади.

Шунингдек, кейс, видеокейслар ёрдамида муаммоли вазиятларни визуаллаштириш ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг билиш ҳаракатларини фаоллаштиришга хизмат қилади. Видеокейсларнинг аниқлиги ва қисқалиги талабаларнинг муаммоли вазиятларни тушуниш, таҳлил қилиш рефлексив фаолиятларини ривожлантириш имкониятларини беради. Кейс технологияси ёрдамида талабаларда қуйидаги кўникмалар ривожлантирилади:

таҳлилий кўникмалар – мавжуд ва мавжуд бўлмаган ахборотларни фарқлаш, уларни таҳлил қилиш, излаш ва тақдим этиш;

амалий кўникмалар – амалий ишлар жараёнида аждодларимиз томонидан қўлланилган назариялар, методлар ва принциплардан фойдаланиш;

ижодий кўникмалар – аждодларимиз томонидан яратилган бадий ва илмий асарлардан фойдаланган ҳолда ижодий фаолиятни амалга ошириш, импривизация қилиш, педагогик ёндашувларни мустақил баҳолаш;

коммуникатив ҳамда ижтимоий кўникмалар – мунозаралар ташкил этиш, атрафдагиларни ишонтириш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, кичик ҳажмли, педагогик характердаги ижодий матнлар яратиш;

ўз-ўзини таҳлил қилиш – бошқалар ва ўзининг шахсий фикрини таҳлил қилиш.

Тажриба-синов ишлари давомида талабаларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда “Коучинг” методикасининг дидактик имкониятлари ўрганилди. “Коучинг” методикаси касбий ва шахсий ривожланиш учун талабаларнинг ўз олдига қўйган вазифалар ва ўзгаришларга мутожлигини англаши имкониятларини кенгайтириши учун келтирилган. Коучинг- сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб “Машқ қилдирмоқ” маъносини англатади⁹. Таълим жараёнида талаба билан ўқитувчининг самарали фаолият олиб бориш учун узлуксиз жараён назарда тутилади. Коучинг таълим жараёнида ўқув мақсадига эришиш учун ўқитувчининг талабаларга индивидуал консультация бериш, уларнинг ички потенциалини ошириш, талаба учун зарур бўлган қобилят, кўникмаларни шакллантириш билан бирга ривожлантириш, натижага эришиш учун илғор стратегияларни ўзлаштириш ҳисобланади. Коучинг мақсади қандай да бир нарсани ўқиш эмас, балки, талабаларнинг керакли зарур бўлган билим, тажрибаларни эгаллашлари учун ўз-ўзига ўқишга шароит ярата олишдан иборат.

Натижада коучинг - бу талабаларнинг индивидуаллигини, билим беришнинг ўзгача шакли, талабаларнинг шахсий ва касбий ҳаётини туғри ташкиллаштиришга қаратилган иккита шахсининг ўзаро шериклиги деган хулосага келинди.

Педагогика ва психология таълим йўналишида ўтиладиган “Педагогика назарияси ва тарихи” фанининг Педагогика тарихи модулида ўтиладиган мавзуларда аждодлар меросини ўрганиш бўйича кредит-модуль тизимида талабалар мустақил ишини баҳолаш мезонларини қуйидагича ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик (2-жадвал).

2-жадвал

Кредит-модуль тизимида талабалар мустақил ишини баҳолаш мезонлари

№	Мустақил таълим тури	Талаба ишни ишлаш учун ажратилган вақт меъёри	Профессор-ўқитувчилар баҳолаш учун ажратилган вақт меъёри	Назорат шакли
1	Берилган мавзу бўйича режа асосида конспект ёзиш	Бир мавзу учун 2-3-соат	Ҳар талаба учун 0,2 соат	Конспект ёзиш
2.	Мустақил иш учун ажратилган мавзу	1 мавзу 4 соат	Ҳар талаба учун 1 соат	Семинар
3.	Мавзу бўйича реферат тайёрлаш	1 бет учун 2-3 соат	Ҳар бири учун 1 соат	Реферат ва тақдимоти
4.	Таянч конспект тайёрлаш	1 мавзу учун 2 соат	Ҳар бири учун 0,2 соат	Конспект
5.	Эссе	1 саҳифа 1 соат	Ҳар бири учун 0,3 соат	Амалий машғулот-да эссе тайёрлаш

⁹ Максимов В.Е. Коучинг от А до Я Возможно все. - СПб.: Издательство «Речь», 2004.-272 с.

6.	Ўтилган мавзу бўйича тест тузиш	10 тестга 1 соат	Ҳар бири учун 0,3 соат	Тест
7.	Кейс тузиш	1 тасига 1 соат	Ҳар бири учун 0,3 соат	Конспект
8.	Видеолавҳалар тайёрлаш	1 тасига 1-2 соат	Ҳар бири учун 1 соат	Электрон манбалардан видеолавҳалар
9.	Илмий тадқиқот ишини олиб бориш	Тадқиқот учун 8 соат	Ҳар бири учун 2 соат	Мақола тезис тайёрлаш
10.	Мусобақалар ташкил этиш	1 тадбир учун 4 соат	Ҳар бири учун 2 соат	Тадбир ўтказиш
11.	Ролли уйинлар ташкил этиш	1 уйин учун 4 соат	Ҳар бири учун 2 соат	Сахна кўринишини тайёрлаш
12.	Иншо ёзиш	1 саҳифа 1 соат	Ҳар бири учун 0,3 соат	Иншо
13.	Тақдимот тайёрлаш	10 та слайд учун 2 соат	Ҳар бири учун 0,3 соат	Презентациянинг электрон шакли

Таҷриба-синов ишлари натижасида талабаларнинг янги билимларни ўзлаштиришлари, методологик ҳамда рефлексив фаолият кўрсатиш маданиятини эгаллашлари ва ўз ҳаётий позициясига эга бўлишлари натижасида бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти ривожлантирилади (3 жадвал).

3-жадвал

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг таркибий тузилиши


Мазмунга оид	Ҳиссий-иродавий	Рефлексив баҳоловчи
Ўз касбий қизиқишларининг машғулот мавзуси билан мос келиши	Педагогик характердаги тарихий ёндашувларнинг манбаларини билишлари	Ўз қизиқишларининг моҳиятини англаб етишлари
Юқори даражада таълим олиш эҳтиёжи	Машғулотларда тарихий манбаларга асосланган жонли мулоқотнинг амалга оширилиши	Ўз касбий эътиқодлари билан ташқи баҳонинг мувофиқ келиши
Ўзларини ўқитувчи мавқеида кўра олишлари	Дарсларда аждодларимизнинг ўқувчилик даврларидан мисоллар келтира олишлари	Ўрганилаётган ўқув материалларини ҳаётий вазиятлар билан боғлай олишлари
Ҳаётий саволларга жавоб излашлари	Аждодларимизнинг педагогик фаолиятларидан мисоллар келтира олишлари	Ўзларининг ҳаётий қоидаларига амал қилишларини кўрсата олишлари
Билим – эътиқоднинг асоси деган қоидага амал қилишлари	Аждодларимизнинг шахслараро муносабатларга оид қарашларини таҳлил қила олишлари	Ўзларининг кучли жиҳатларини намоён этишлари

Ўрганилаётган ўқув фани доирасида мутафаккирларнинг таълимотларини таҳлил қила олишлари	Тақдим этилган топшириқларнинг мазмун моҳиятини англаб етишлари	Ўзларининг кўп асрлик педагогик таълимотларини қай даражада ўзлаштирганликларини тушуниб етишлари
Аждодларимизнинг етукликларига асос бўлган омилларни билишлари	Яхлитликни мотивлаштира олишлари	Чуқур ўйлашни тақозо қиладиган саволлар беришлари
Педагогик таълимотларнинг фаоллик учун имконият ярата олиши	Топшириқларни гуруҳ бўлиб бажарайишда мусобақалашиш	Амалий фаолиятларида педагогик таълимотларни қўллаш олишлари
Ўқув-билиш фаолиятлари ривожланишининга оид таълимотларни олишлари	Машғулотлар жараёнида фаоллик кўрсата олишлари	Педагогик тарихига оид билимларни чуқур ўзлаштирган бўлишлари
Ўқитувчи-талаба муносабатларида муайян чегарани билишлари	Ўз фикрларини баён қилиш мантиқига қатъий риоя этишлари	Ўзлаштирилаётган педагогик таълимотларга қизиқиш билан ёндоша олишлари

Тажриба-синов ишлари натижаси аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (2-расм). Мазкур модел 3 блокдан иборат бўлиб, биринчи мақсадли блогида аждодларимиз меросидаги ўқув-билиш фаолиятга оид қарашлар мазмуни, вазибалар ва уларга таъсир этувчи омиллар қамраб олинган.

Методологик блокда фалсафий, педагогик-психологик, тизимли-структур, интеграцион, инновацион, стратегик ёндашувлар, тамойиллар берилган. Мазмунли блокда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантиришда узлуксиз таълим муассасаларидаги педагогик жараёнда қўлланиладиган таълим технологиялари ва методлар, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятларини ривожланганлик даражасини кўрсатувчи мезонлар келтирилган. Ишлаб чиқилган мезонлар аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ривожланганлигининг юқоридаги кўрсаткичлари унинг шаклланганлик даражаларида намоён бўлади. Бу даражалар юқори, ўрта ва қуйи даражаларда акс этади.

Талабалар билимларни ўзлаштиришда репродуктив, аппликатив, интерпретациялаштирувчи фаоллик кўрсатадилар. Фаолликнинг мазкур даражасида тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни хотирада қайта тиклаш кўникмаларининг шаклланишида намоён бўлади. Аппликатив фаоллик эса билимларни алоҳида танлаб олган ҳолда хотирада қайта тиклаш билан характерланади. Интерпретациялаштирувчи фаоллик муайян ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини изоҳлаш, тушунтириш, фарқлашда намоён бўлади.



2- расм. Аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш механизмларининг модели

Махсулдор фаоллик эса ижодкорлик асосида янги ишланмалар яратишда намоён бўлади.

“Аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш механизмларининг самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобда аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг ташкил этиш методикаси, аждодларимизнинг мероси воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ривожланганлигининг статистик таҳлили хусусида фикр юритилган.

Тажриба-синов ишлари асосан “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси” ва “Андрогогика” ўқув фанлари доирасида асосан уч босқичда ташкил этилди.

Биринчи – таъкидловчи босқичда Нукус давлат педагогика институти, Урганч давлат университети ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтларидан 931 нафар талабалари билан анкета сўровлари ўтказилди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи, шакллантирувчи босқичида талабаларнинг билимларидаги бўшлиқлар, ўқув-билиш фаолиятларидаги сусткашликни бартараф этиш мақсадида улар билан маърузалар, семинарлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ташкил этилиб, аждодларимизнинг шахс ақлий камолотини таъминлашга оид қарашларидан хабардорлик даражасини оширишга ҳаракат қилдик. Респондентлар назорат ва тажриба гуруҳларига бўлиниб, олинган натижалар ўзаро қиёсланди ва тадқиқот фаззининг тўғрилиқ даражаси тақдим этилган дидактик воситаларнинг самарадорлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг учинчи, яқунловчи босқичида талабалар билан аждодларимизнинг педагогик меросини ўрганишга бўлган қизиқишлари, мотивлари, эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида мустақил ишлар ташкил этилди. Ўтказилган машғулотларнинг натижалари умумлаштирилиб, аждодларимиз мероси воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ривожланганлик даражаси аниқланди.

Тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида куйидаги методлардан фойдаландик: оғзаки ҳикоя қилиш, кўргазмали воситалардан фойдаланиш, баҳс-мунозара, суҳбат, саёҳат, манбалар билан ишлаш, машқлантириш, маъруза, семинар ва бошқалар.

Биз талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари қай даражада ривожланганлигини аниқлаш мақсадида яқунловчи тажриба-синов ишларини ташкил этдик. Шу мақсадда биз талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув фанларини танлаб олдик. Улар “Педагогика назарияси ва тарихи” ва “Халқ педагогикаси”, “Андрогогика” ўқув фанларидир. Мазкур ўқув фанлари мазмунига аждодларимизнинг педагогик таълимотлари, шахснинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда қўллаган методлари, уларнинг таълим-тарбиявий имкониятлари ҳақидаги назарий билимларни муайян изчилликда сингдиришга ҳаракат қилдик. Талабаларнинг аждодларимиз педагогик мероси ҳақидаги тасаввурлари ва билимларини бойитиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширдик:

1. Ўтказилган тажриба-синов ишлари жараёнида фойдаланилган материаллар ва олинган натижалар ҳар томонлама таҳлил қилинди.

2. Тажриба-синов жараёнида респондент-талабаларнинг билиш имкониятлари ва профессор-ўқитувчиларнинг аждодларимиз меросига оид билимларининг мавжуд даражаси ўрганилди.

3. “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси” ва “Андрогогика” ўқув фанлари доирасида талабаларга тақдим этиладиган аждодларимиз меросига оид билимларни аниқ мавзуларга сингдириш имкониятлари ўрганилди.

4. Тажриба-синов ишларининг натижаларига таянган ҳолда талабалар билимини баҳолаш мезонлари аниқланди.

5. Тажриба-синов натижаларининг ҳаққонийлигини баҳолаш мақсадида статистик таҳлил амалга оширилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнига жалб этилган респондентларнинг бажарган амалий ишлари тўпланиб, улар сифат жиҳатдан таҳлил қилинди, талабалар, профессор-ўқитувчилар билан ўтказилган анкета сўровлари, тестларга олинган жавоблар ва бошқа амалий ишлар ўрганилиб, баҳоланди ва натижалари умумлаштирилди.

4-жадвал

Аждодларимиз мероси воситасида талабаларда ўқув-билиш фаолиятлари ривожланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари

Мезонлар	Муддати	Ўзлаштириш даражалари					
		Тажриба гуруҳи (461 нафар талаба)			Назорат гуруҳи (470 нафар талаба)		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Талабаларда билиш қизи-қишларининг мавжудлиги	Таж.боши	107	177	177	107	195	168
	Таж.яқуни	210	171	80	116	196	158
Билимларни ўрганиш эҳтиёжининг намоён бўлиши	Таж.боши	105	179	177	109	193	168
	Таж.яқуни	210	175	76	120	199	151
Аждодларимизнинг педагогик таълимотларини билишлари ва ажрата олишлари	Таж.боши	105	180	176	105	196	169
	Таж.яқуни	209	172	80	117	195	158
Педагогик амалиёт жараёнида аждодларимиз томонидан қўлланилган ўқитиш методларидан ижодий фойдалана олишлари	Таж.боши	106	176	179	110	189	171
	Таж.яқуни	209	177	75	119	197	154
Аждодларимизнинг педагогик меросини таҳлил қила олишлари	Таж.боши	104	179	178	108	194	168
	Таж.яқуни	207	179	75	121	198	151
Аждодларимиз педагогик таълимотларининг касбий	Таж.боши	106	181	174	107	193	170

билимлар тақомиллашуви-да туган ўрнини билишлари	Таж.якуни	208	176	77	117	194	159
Аждодларимиз меросининг таълим-тарбиявий имкониятларини билишлари	Таж.боши	108	184	169	109	195	166
	Таж.якуни	206	178	77	118	200	152
Билиш фаолиятларининг ривожини намоеън қилишга имкон берадиган топшириқларни бажара олишлари	Таж.боши	106	180	175	108	194	168
	Таж.якуни	204	173	84	115	198	157
Аждодларимиз меросига оид асарларни таҳлил қилиб педагогик фикрларни ажрата олишлари	Таж.боши	107	181	173	111	192	167
	Таж.якуни	211	174	76	119	195	156
Мутафаккирларнинг асар-лари, ҳикматларидан инсоннинг билиш фаолиятига оид қарашларини ажратиб олиб педагогик амалиёт учун аҳамиятли жиҳатларини очиб бера олишлари	Таж.боши	106	183	172	106	189	175
	Таж.якуни	206	175	80	118	198	154
Ж а м и:	Таж.боши	1060	1800	1750	1080	1930	1690
	Таж.якуни	2080	1750	780	1180	1970	1550
Ўртачаси:	Таж.боши	106	180	175	108	193	169
	Таж.якуни	208	175	78	118	197	155

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда аждодларимиз мероси воситасида талабаларда ўқув-билиш фаолиятлари ривожланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича Стъудентнинг математик-статистика методи ёрдамида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришлари таҳлил этилди. Тажриба-синовда назорат гуруҳида 470 нафар талаба, тажриба гуруҳида 461 нафар талаба жами 931 нафар талабалар қатнашди.

Масаланинг қисқача моҳияти: иккита берилган бош тўплам бўлсин. Бири назорат гуруҳи талабалари билимининг ўртача баллари иккинчиси эса тажриба гуруҳидаги талабалари билимининг ўртача баллар. Баҳолар таҳсимоти нормал деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринли ҳисобланиб, нормал таҳсимоти яқинлашиш шартлари сода, улар бажарилади.


Назорат ва тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг ўзлаштиришлари самарадорлиги кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланади.

Натижаларни қуйидаги жадвалда акс эттирамиз:


**Аждодларимиз мероси воситасида талабаларда ўқув-билиш фаолиятлари
ривожланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан
ўзлаштириш натижалари**

	Босқичлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	461	106	180	175
	Назорат гуруҳи	470	108	193	169
Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	461	208	175	78
	Назорат гуруҳи	470	118	197	155

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



3-расм. Тажриба бошида



4-расм. Тажриба якунида

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси ва ишончли четланишлари топилди.

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	Δ_m	Δ_k
1,85	1,87	Тажрибадан олдин ҳеч қандай самарадорликка эришилмаган							
2,28	1,92	0,5416	0,5736	2	2	7,35	950,82	0,07	0,07

Демак, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш назорат синфидагига нисбатан 12% га юқори экан.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Маълумки, $\bar{X} = 2,28$; $\bar{Y} = 1,92$ $\Delta_x = 0,07$; $\Delta_y = 0,07$ га

тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yc6} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,28 - 0,07}{1,92 + 0,07} = \frac{2,21}{1,99} = 1,11 > 1$$

$$K_{666} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,28 - 0,07) - (1,92 - 0,07) = 2,21 - 1,85 \\ = 0,36 > 0$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, аждоқларимиз мероси воситасида талабаларда ўқув-билиш фаолиятлари ривожланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари самарадор даражасинини юқорилиги статистик таҳлиллар натижасидан маълум бўлди.

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий-педагогик тадқиқотлар натижалари таҳлили ва яқунларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Тарихий-илмий манбаларни ўрганиш, турли даврларда вужудга келган педагогик ёндашувларни таҳлил қилиш ва аҳамиятлилик даражасини аниқлаш натижалари шуни кўрсатдики, аждоқларимиз шахсинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга оид кўплаб назарий педагогик, аниқлик, моделлаштириш, абстракциялаш, формаллик назариялари, фалсафий, педагогик, психологик ёндашувларни илгари сурганлар. Мазкур ёндашувларнинг ўзига хос жиҳати уларда шахсинг мустақил фикрлаш, ғояларни генерациялаш, тадқиқотларни амалга ошириш, ўз қарашларини баён қилиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

2. Аждоқларимизнинг педагогик таълимотлари билан замонавий ёндашувларни интеграциялаш орқали талабаларнинг билимларни когнитив қабул қилиш, рефлексиялаш, руҳий имкониятларини кенгайтириш, ёндашувларни имитациялаш фаолиятига устуворлик бериш асосида талабалар ўқув-билиш фаолиятининг ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилганлиги билан характерланади.

3. Кредит-модуль тизимида “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси”, “Андрогогика” фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш механизмлари шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, электрон таълим ресурслари, мультимедиа ва ўқув фильмлари, web-квест(топширик)ларнинг дидактик имкониятлари очиқ берилди.

4. Шахнинг билиш имкониятларини кенгайтириш орқали баркамолликка ундашнинг шарқона методологиясига асосланган ҳолда педагогик таълимотлар билан замонавий ёндашувларнинг уйғунлашувини таъминлашга қаратилган ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш модели яратилди.

5. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда шарқ алломаларининг педагогик қарашлари, мадрасаларда қўлланилиб, ижобий натижалар олишга хизмат қилган ўқитиш методлари билан замонавий ёндашувларни уйғунлаштириш кутилган самарадорликка эришиш имконини берди. Бундай ёндашув натижасида талабаларнинг рухий имкониятлари кенгайиб, ақлий фаолиятлари жадаллашди.

6. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда алломалар томонидан яратилган инсонни мантиқий фикрлаш, мушоҳада қилиш, интуитив, дедуктив хулосалар чиқаришга ундайдиган педагогик воситалар ва методлардан фойдаланиш тизимини шакллантириш ва “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси” ва “Андрогогика” ўқув фанлари мазмунига сингдириш талабаларда ўқув-билиш қизиқишлари, эҳтиёжлари ва мотивларини ривожлантириш ҳамда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилди.

7. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг кўп асрлик педагогик меросига мурожаат қилиш, ундаги илғор таълимотлар, самарали методлар, воситалардан фойдаланган ҳолда “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси” ва “Андрогогика” ўқув фанларининг методик таъминотини такомиллаштириш, талабаларнинг интеллектуал соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилди.

8. Таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш кўп асрлик тарихий тажрибага асосланганлиги учун ҳам ўзининг муайян принциплари, усуллари, воситалари ва педагогик омилларига эга бўлиб, ОТМларда педагогика туркум фанларининг мазмунини белгилашда мазкур усул, метод, принцип ва омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эканлигини изланишларимиз натижаси яққол кўрсатди.

9. Аждодларимиз томонидан илгари сурилган педагогик таълимотлар олий таълим жараёнида тизимли тарзда талабаларга тақдим этилиши натижасида уларда тарихий тафаккур, ментал дунёқараш, соғлом диний эътиқод ривожланиб, зукколик, илм ўрганишга интилиш, илм-фан сирларини ўзлаштиришга мойиллик, ўзлигини англаш ва миллий ғурур туйғуси шаклланади. Аждодларнинг педагогик тафаккури маҳсули билан танишиш натижасида талабаларда яхлит илмий педагогик дунёқараш шаклланиб, эгалланаётган касбий фаолиятларига масъулият билан ёндашиш компетентлиги таркиб топади.

10. Мутафаккир аждодларимизнинг педагогик таълимотлари билан яқиндан танишиш, унинг мазмун моҳиятини чуқур таҳлил қилиш натижасида талабаларда касбий зукколик, хозиржавоблик, эътиқодлилиқ, тарихий хотира ва меросга мухаббат туйғуси қарор топади. Аждодларимиз томонидан илгари сурилган хушёрлик, огоҳликка даъват, хотира мустаҳкамлигига оид ёндашувлар бугунги кунда ОТМ талабаларини оммавий маданият

хуружларидан эҳтиёт қилиш, ўз хотирасини эзгу қарашлар, илм-маърифат нурлари билан бойитиш, мақсад сари интилишларини қўллаб-қувватлашда муҳим педагогик аҳамиятга эга.

11. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари давомида аниқ методика қўлланилиб, натижалар талабаларда ўқув-билиш фаолиятининг ривожланганлиги муайян мезонлар ёрдамида аниқланди. Бу эса тадқиқот концепцияси тўғрилиги ва назарий жиҳатдан асосланганлигини баҳолаш имконини берди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги *тавсиялар* ишлаб чиқилди:

аждодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотларни талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда тизимлаштириш ва ОТМда ўтиладиган педагогика туркум фанлари мазмунига сингдириш;

“Аждодларимиз томонидан яратилган педагогик мероснинг талабалар ўқув-билиш фаолиятлари ва касбий билимларини фаоллаштириш имконияти” номли махсус курс ташкил этиш;

аждодларимизнинг шахс ақлий тараққиётини таъминлашга оид ҳикматларини тўплаб, шарҳлаш ва фан тўғаракларида таҳлилий-танқидий ўрганишга оид тавсиянома ишлаб чиқиш;

аждодларимизнинг интеллектуал фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган фикрларини тўплаб, таҳлил қилиш ва алоҳида ўқув қўлланма яратиш;

“Педагогика назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси” ва “Андрогогика” дарсларида аждодларимизнинг педагогик қарашларини ўрганиш бўйича электрон методик таъминот яратиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ПАЗЫЛОВА МЕРУЕРТ ЕРМЕКБАЕВНА

**МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ УЧЕБНО-ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ НАСЛЕДИЯ
ПРЕДКОВ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Нукус – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.4.DSc/Ped253.

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ndpi.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Жамолдинова Одинахон Расуловна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сафарова Рохат Гайбуллаевна
доктор педагогических наук, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
доктор педагогических наук, профессор

Рискулова Камола Джуммаевна
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «16» 08 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 по присуждению ученых степеней при Нукусском государственном педагогическом институте. (Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейтова, дом б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукусского государственного педагогического института (зарегистрирована за № 38). (Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейтова, дом б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Автореферат диссертации разослан «3» 08 2022 года.

(Реестр протокола рассылки № 38 от «3» 08 2022 года).



Б.П. Отемуратов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф-м.н., доцент

З.К. Курбаниязова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых
степеней, к.п.н., доцент

Т.Т. Утебаев
Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе проблема обеспечения продуктивности в образовательно-воспитательном процессе с эффективным использованием многовекового педагогического наследия приобретает большое значение. В развитых странах мира, таких как Великобритания, Германия, США, Франция, Китай, Япония, Южная Корея, Россия особое внимание уделяется совершенствованию образовательно-воспитательного процесса с использованием созданного предками педагогического наследия. Обосновывается, что богатое интеллектуально-духовное наследие каждого народа занимает своеобразное место в совершенствовании молодого поколения. Актуальное значение имеет уделение особого внимания повышению значимости восточного образования и воспитания для установления чувства самоосознания у личности, иммунитета против идеологических угроз.

В мире проводятся научные исследования, направленные на изучение педагогических учений, обоснование в научном аспекте его значения в интеллектуальном совершенствовании личности, исследование теоретико-фундаментальных основ продуктивного использования педагогического наследия в интеллектуальном развитии студентов. Наряду с этим возможности созданного нашими предками педагогического наследия в развитии познавательной деятельности личности приводят к расширению объема исследований, направленных на совершенствование механизмов внедрения данных подходов в образовательный процесс с точки зрения их места в интеллектуальном развитии студентов, создания возможности развития их интересов, потребностей, мотивов к познанию. В развитии познавательной деятельности молодого поколения важное педагогическое значение имеют педагогические учения, созданные нашими предками, эффективное использование применяемых методов, приемов и средств, подход к взглядам мыслителей с точки зрения новой эпохи. Важным педагогическим фактором в этом является эффективное использование потенциала саморазвития личности студента.

В республике за последние годы формируется система эффективного использования созданного нашими предками педагогического наследия, исследования его теоретико-практических направлений в расширении возможностей личности, ее развитии в интеллектуальном, духовно-нравственном аспектах, применения дидактических средств, приемов и методов, использованных нашими предками-мыслителями в развитии у студентов учебно-познавательной деятельности. Приоритетной целью определено «Углубленное изучение и пропаганда богатого научного наследия наших великих предков».¹⁰ В этом отношении исследование таких аспектов, как мировое значение наследия наших предков, развитие науки хадисоведения,

¹⁰ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года № УП-60. www.lex.uz.

широкое использование в педагогической практике взглядов мыслителей-теологов по правовому воспитанию, приобретает актуальное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года № УП-5847, постановлениях главы государства «О мерах по организации международного научно-исследовательского центра Имама Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан» от 27 марта 2017 года № ПП-2855, «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года № ПП-2995, «О мерах по организации Центра исламской цивилизации в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан» от 23 июня 2017 года № ПП-3080, «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания» от 14 августа 2018 года № ПП-3907, «Об организации среди молодежи конкурсов любителей книги в целях широкого изучения и пропаганды творческого наследия наших великих ученых, поэтов и мыслителей» от 12 мая 2018 года № 3721, «Об утверждении Концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан» от 28 ноября 2018 года № ПП-4038, а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информированного общества и демократического государства и способы их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.¹¹
Научные исследования по изучению истории педагогических учений

¹¹ Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи Алеуов У. Становление и развитие педагогической мысли в Каракалпакстане (С древнейших времен до 30-х годов XX века) Автореф. дисс.докт. пед.наук. –Т.: ТГПИ.1995. 53 б.; Аликулов Х. Жалолиддин Давоний. Тошкент, Узбекистон, 1992, 20-б.; Жамолдинова О. Соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш. Пед.фан.докт... дисс. -Т.: 2015. -338 б, Зуннуов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. - 237 б.; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. История педагогики и образования. Монография. – Т.: Фан ва технологиялар. 2008. 206 б.; Машарипова Н.Р. Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясининг дидактик воситалари. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктобаевари (PhD). ... дисс. – Самарқанд, 2021. – 146 б.; Миртурсунов, З. Ф.Педагогические взгляды Хамзы-Хаким-Заде Ниязи [Text] : автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук /: Ташкент, 1954. - 32 с.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маданиятини шакллантиришининг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктор. дис.– Тошкент: ТДПУ, 1993. – 389 с.; Нишанова С. Шарқ Ўйғониш даври педагогик таракқиётида баркамал инсон тарбияси. Педагог. фан. Докт. диссертацияси. -Т.: 1998. 288 б; Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний кадрятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Пед.фан.докт. ..дисс. – Т.: 2000. – 305 б.; Сафарова Н. Хожажон тариқати. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари нашр. 2003. -68 б; Салаева М.С. Ўзбек педагогикаси тарихини даврлаштиришининг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш. Пед.фан.докт.(DSc) диссертацияси. -Нукус: 2019. 288 б.; Соҳибов А. Миллий педагогика таракқиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 2004. –56 б.;Хайруллаев М. Ўтмиш мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида / Халқ педагогикаси - инсон камолотининг асоси. 1 -китоб. Т.: ЎзПФИТИ, 1992. -110 б.;Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 246 б;Қуროнов М. Ўзбекистон умумтаълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.докт... дисс. -Т.: 1998. -287 б, Ҳасанов С. Хоразм маънавияти даргалари.–Т.:Адолат, 2001. – 388 б.; Кимсанбаева Ш.Б. Аждодларимиз диний меросининг миллий ўзликни англашга таъсири. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс.-Т.: 2019.-173 б; Очилова Б.М. Аждодлар меросига ихлосмандлик шахс маънавий-ахлоқий камолати. Фалсафа фан.докт. ..дисс. – Т.: 2005.-325 б; <https://www.uni-heidelberg.de>, <https://twitter.com/hyuniversity>, <https://www.educ.kyoto-> <https://en.wikipedia.org/wiki/> Андреева И.Н., Буторина

проводятся в ведущих научно-исследовательских и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в Heidelberg University of Education (Германия), New York University (США), Korea National University of Education, Seoul National University, Puchong University, Chonbuk National University (Южная Корея), Педагогическом университете Мияги, Kyoto University of Education (Япония), Белгородском государственном университете, Российской академии образования (Россия).

В мире в исследованиях, проводимых в этом направлении, получены следующие результаты: проведен сравнительный анализ педагогической мысли (Heidelberg University of Education); определены этапы и основные критерии развития образования (New York University); определены подходы, связанные с внедрением в содержание образования этнопедагогических, дидактических ценностей (Kyoto University of Education); обозначены аксиологические направления развития педагогической мысли (Korea National University of Education); проанализированы подходы, связанные с своеобразными особенностями этнопедагогике, тенденциями развития педагогической науки, этнопедагогическими особенностями, с совершенствованием системы образования (Белгородский государственный университет).

В мире по изучению истории педагогических учений исследовательские работы ведутся по следующим направлениям: разработка Концепции развития общемирового исторического педагогического процесса; раскрытие педагогического содержания созданных в древнейшие времена педагогических идей и определение приоритетных направлений; определение тенденций развития педагогических идей и их места в интеллектуальном развитии личности, развитие идейного мировоззрения у студентов на основе изучения педагогических учений предков; эффективное использование исторического опыта в оздоровлении духовной среды в обществе; опирание на наследие мыслителей в разработке концептуальных основ правового воспитания.

Степень изученности проблемы. В нашей республике исследования по изучению педагогического наследия предков проводили У.Алеуов, Х.Аликулов, О.Р.Жамолдинова, А.Зуннунов, Х.И.Ибрагимов, Ш.Б.Кимсанбаева, Н.Р.Машарипова, З.Ф.Миртурсунов, О.М.Мусурмонова, С.Н.Нишонова, Н.Ортиков, Б.М.Очилова, Р.Г.Сафарова, М.С.Салаева, А.Р.Сохибов, М.Х.Хайруллаев, К.Х.Хашимов, М.Курунов, Х.Х.Хамидов, О.Хасанбоева, Ж.Хасанбоев, С.Хасанов. В данных научных исследованиях

